# Адолатли сайловлар — демократия кўзгуси!

## БИЗ УЧУН ИНСОН, ХАЛҚ, ВАТАН МАНФААТЛАРИДАН ЎЗГА ОЛИЙ МАНФААТ ЙЎҚ!

**ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Мараҳимович Жалоловнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий ҳужжатининг асосий хусусиятлари тўғрисидаги ҳикояси**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди курашига киришар экан, у ўз олдига етти мингга яқин номзодларининг бўлажак сайловларда кўпчилик сайловчиларнинг, уларни қўллаб-қувватловчи, овозини олишга эришиш зарурлиги тўғрисидаги вазифани қўйди. Биз сайловлар якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида нуфузли фракцияни шакллантиришга, барча даражадаги давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларида ўз мавқеимизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Бугунги кунда жамиятимизни ислоҳ қилишнинг ушбу тамойилларига содиқликни намойиш этиб, одамларни бунга ишонтиришнинг ўзи кифоя эмаслигини ҳам тўла англамоқдамиз. Улар, минг йилликлар оралиғида, мустақил Ўзбекистон олдида турган вазифаларни **амалга ошириш йўллари, шакл ва воситалари ҳақида, партиямизнинг ўз нуқтаи-назари, қарашлари** нимадан иборат эканлигини, ваъдаларимиз ортида аниқ нима турганлигини ҳам билишлари керак. Бундан ташқари, сайловчилар Ўзбекистон Халқ демократик партияси, агарда, сайловлар жараёнида, мамлакат халқи томонидан парламентга, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ундан сайланганлар тимсолида, унга шундай имконият берилса, **ўз сиёсий мўлжалларини амалга оширишга қодир эканлигига** ишонч ҳосил қилишлари керак.

Биринчи вазифани ҳал этишга, яъни одамларга **«Ўзбекистон Халқ демократик партияси нималарга интилмоқда ва нималарга қарши бўлмоқда, нима учун курашмоқда»** эканлигини маълум қилишга жорий йилнинг 8 октябрида, партиянинг навбатдаги III Қурултойи томонидан қабул қилинган сайловолди Сиёсий ҳужжати қаратилган. Бизнинг партия ўзининг сайловчилар ишончига муносиблигини сайловларда депутатлик мандатини оладиган ҳар бир номзодимизнинг келгусидаги кундалик фаолияти билан ёрқин исбот қилишига ишончимиз комил.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг олий мақсади — меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг, уларнинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъий назар, моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун кенг имконият яратиш, кишиларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир.

Шунинг учун, у жамиятнинг, Ўзбекистонда тинч ва осойишта ҳаётни, барча инсонларнинг фаровонлиги ва мамлакатнинг гуллаб-яшнашини, **сиёсий ва иқтисодий эркинликлари, демократия ва қонунчилик, тенглик ва ижтимоий адолат** каби, умуминсоний тамойилларга таянган ҳолда, таъминлашга қодир сиёсий ва давлат тизимини барпо этишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ХДП демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришга интилмоқда. Бу ерда асосий мақсад: ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлган **давлатнинг қудрати зўравонликда эмас, балки, унинг, қонунларни онгли равишда бажарувчи ҳамда фуқаролик жамиятининг турли институтлари орқали, жамоат, давлат ишларини бажаришда бевосита иштирок этувчи, сиёсий ва ижтимоий фаол фуқароларга таянишда бўлишлигини таъминлашдир.**

Партиямиз, бир томондан, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий идоралари, унинг учта тармоғи, иккинчи томондан, давлат ҳокимияти ҳамда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги вазифаларнинг оқилона, демократик тарзда тақсимланиши орқали фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда, ўз истиқомат жойларидаги энг зарур ҳаётий муаммоларини ҳал этишдаги иштирокининг таъминланишига интилади.

Биз давлат ва жамият фаолиятининг ички ҳаракатлантирувчи кучи, давлат ҳокимияти тизимининг қонунчилик, ижроия ва суд тармоқларида, шунингдек, расмий сиёсий ғоялар ва манфаатлар эркин рақобатида тўхтатиб туриш ва мувозанатни таъминлашнинг, ривожланган демократик давлатларга хос, синалган мурвати бўлишга даъват этилган — сиёсий партияларнинг аҳамиятини оширишга катта эътибор бермоқчимиз.

Биз сиёсий партиялар мавқеи ҳам қонунчилик даражасида, ҳам амалий жиҳатдан, жаҳонда қабул қилинган демократик меъёрлар асосида, улар намояндаларининг давлат ҳокимияти вакиллик органларида сайловлар орқали эгаллаган ўринларига ва, тегишли равишда, давлат ҳокимияти ва давлат сиёсатини шакллантиришдаги таъсирининг даражасига қараб, **етакчи, ҳукмрон** (парламентда кўпчилик ўринни эгаллаган) **ва ижобий мухолиф** (парламентда нисбатан кам ўринга эга бўлган) партиялар сифатида фарқланиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Биз аминмизки, қонунларнинг ижроси, давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан уларнинг ўз вазифаларини адо этишлари, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан фаол жамоатчилик назоратини таъминловчи, «тўртинчи ҳокимият» сифатида эътироф этилган, **эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларининг** ҳар томонлама ривожисиз кучли фуқаролик жамиятини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Биз **жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонунларга сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш**, давлат ҳокимияти ваколатларига эга мансабдор шахслар, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари аппарати ходимларининг, хизмат вазифалари ҳамда конституциявий бурчини виждонан бажаришлари учун, масъулиятини ошириш тарафдоримиз.

Ўзбекистон ХДП мамлакат иқтисодиётини, ривожланган давлатларда умумэътироф қилинган меъёрларга мос равишда, эркинлаштириш — иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиш керак, деб ҳисоблайди.

Бу, авваламбор, **иқтисодиётни мафкуравий ақидалар ва ижтимоий хомхаёлликлардан халос қилиш, ишлаб чиқарувчининг маъмурий буйруқбозлик,** давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг **хўжалик фаолиятига бевосита аралашишидан** озод қилиш, **барча шаклдаги мулкчилик**, хусусий ташаббускорлик, тадбиркорлик ва рақобатнинг эркинлиги тамойилларига изчил амал қилишини тақозо этади.

Бундан ташқари, **товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракати ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлигига қонунчилик даражасида ва** амалиётда эришилмаса, иқтисодни эркинлаштириш масалалари тўлиқ ҳал этилмайди, деб ҳисоблаймиз. Фақат мамлакат **ишлаб чиқарувчилари ва аҳоли манфаатларини ҳимояловчи** божхона қоидалари, яъни, инсонлар ҳаёти ва соғлигига таҳдид солувчи, сифатсиз маҳсулотлар, наркотик моддалар ва қуролларнинг четдан олиб келинишини чеклашлар ҳамда **мамлакатнинг стратегик манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадидаги**, қонунсиз равишда хомашё ресурслари, давлат монополияси ўрнатилган маҳсулотлар, миллий бойлигимиз ҳисобланган санъат асарлари ва тарихий-маданий бойликларни олиб чиқиб кетишга қарши тартиботлар, бундан мустаснодир.

Ва ниҳоят, иқтисодий эркинлик, табиий тарзда, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг асосий кўрсаткичлари, йирик давлат, акциядорлик ва хусусий корпорациялар, компаниялар, корхона ва фирмалар фаолияти, давлат бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмининг аҳволи тўғрисида, ахборот воситалари орқали, ҳаққоний ва ишончли статистик ахборотлар олиш ҳуқуқини амалда таъминланган бўлишини тақозо этади.

Солиқ сиёсатининг янада такомилланишини муҳим вазифалардан бири, деб ҳисоблаймиз. Солиққа тортиш тизими очиқ, тушунарли, аниқ бўлиши керак. У мусодара қилиш хусусиятига эга бўлмаслиги керак. Ва, табиийки, ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган молларни истеъмолчилар учун қиммат бўлмаган нархларда сотишга ундовчи солиқ тизимининг рағбатлантирувчи омиллари тўла ишга туширилиши лозим.

Бундай иқтисодий эркинлик даражасини таъминлайдиган ҳуқуқий шароит ва кафолатларни яратиш ишлаб чиқарувчини озод қилиб, ички бозорни маҳаллий товар ҳамда хизматлар билан тўлдириш ва пул қадрсизланишини тезда бартараф этишнинг ҳақиқий омили бўлиб хизмат қилади. **Бу — кишиларга янги иш ўринлари, муносиб иш ҳақи, кундалик зарур товар ва хизматлар, барчага маъқул бўладиган нархлар, деганидир.**

Партиямиз фаолиятининг бош мўлжали — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси ва унинг оиласининг соғлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, тиббий парвариш ва муҳим ижтимоий хизматларни ўз ичига олувчи, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида кўзда тутилган, **ҳаёт даражасига оид, инсон ҳуқуқларининг** амалга оширилишини таъминлашдир.

Мазкур масалани ҳал этиш ўзанида аҳолининг кам таъминланган қатламларини — нафақадорлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ўқувчи ёшлар, қаровсиз қолган кекса кишилар ва болаларни — мақсадли, ижтимоий ҳимоя қилишни янада ривожлантириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, пулнинг қадрсизланиши оқибатида, аҳолининг мазкур ижтимоий гуруҳлари турмушининг пасайиши, давлат томонидан пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, аҳоли жамғармаларини индексациялаш орқали, қопланиши лозим. Бундай индексациянинг асоси, бизнинг фикримизча, давлат томонидан ўрнатилган **иш ҳақи ва пенсияларнинг энг кам миқдори ва қонун билан белгиланган энг кам истеъмол саватчаси** баҳосига тенг бўлиши керак.

**Энг кам истеъмол саватчасининг баҳосини** аниқлашдаги ушбу тамойил, бизнинг ўйлашимизча, жаҳонда умумэътироф этилган усулга мос, пулнинг қадрсизланишини баҳолашнинг асосий ва ягона мезони бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон ХДП, бозор муносабатларига ўтиш шароитида, ёш фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол қўшилиши, уларнинг иш билан бандлиги, ишлаб чиқариш, бошқарув ва тадбиркорликда эркин ва самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида, ёш авлодни **иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг** устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди.

Биз, **жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш,** меҳнат ва яшаш шароитларини енгиллаштириш, уларнинг оиладаги оналик ва уй бекалик, болалар тарбиясидек муқаддас бурчларини, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашиш билан бирга олиб боришларига имкон берувчи зарур шароитлар яратиш масалаларига катта эътибор берамиз.

Партиямиз ўзининг бутун амалий фаолиятини жамиятда ижтимоий **бирдамлик** муносабатларини ривожлантириш, мулкнинг барча шаклларидаги **корхоналарни, жамиятнинг иқтисодий фаол ва бадавлат аъзоларини, жамоатчилик ва хайрия жамғармаларини, маҳалла ва бошқа жамоат институтларини,** муҳим ижтимоий дастурларни амалга оширишда ҳамда аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини муҳофазалашда фаол иштирок этишларини рағбатлантирувчи иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратишга кўмаклашишга қаратади.

**Жамиятнинг маънавий янгиланиши соҳасида,** партиямиз, Шарқ халқларининг кўп минг йиллик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган, эркинлик, тенглик ва инсонпарварлик каби умумбашарий қадриятларга, шунингдек, инсонийлик ва инсонни севиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга ишонч, ҳалоллик ва ростгўйлик, виждонлилик ва андиша, тўғрилик, адолат ва меҳр-шафқат сингари **миллий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш шароитларини қарор топтиришни муҳим,** деб ҳисоблайди.

Партиямиз жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий-ахлоқий асосларини шакллантиришда, **диннинг муҳим аҳамиятини эътироф этган ҳолда, дунёвий давлат тамойилларига қатъий риоя қилиш,** айни пайтда, ахлоқий ва маданий қадриятлар, дунёқараш тизими, халқнинг тарихий маънавий меросининг таркибий қисми — дин билан ёвуз ниятли, фуқароларни итоатсизликка ундовчи, конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга чорловчи, **сиёсийлаштирилган диний оқимлар** ўртасидаги фарқни аниқ белгилаб олиш, **диний жангариликнинг ҳар қандай кўринишларини қатъийлик билан бартараф этиш тарафдоридир.**

**Жамиятнинг барча аъзоларини, мамлакатнинг барча фуқароларини муштарак миллат, яхлит халққа** бирлаштиришни, барқарорлик, тинчлик, фуқаролик ва умуммиллий тотувлик вазиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни умумдавлат аҳамиятидаги вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз сиёсий интилишлари ва фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаб олиб, жамиятга мамлакат олдида турган вазифаларнинг бажарилиши йўлларини таклиф этар экан, **қўйилган мақсадларга эришиш учун барча воситалар ҳам маъқул, деб ҳисобламайди.**

**Биз кучли фуқаролик жамияти** учун курашар эканмиз, Ўзбекистон халқини айрим мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалиги ва мансабни суиистеъмол қилишларининг ҳар қандай шаклларига, **тўрачилик ва коррупцияга қарши** қатъий **«Йўқ!»**, дейишга чақирамиз. Партиямиз, давлат ҳокимияти ижроия идоралари томонидан, **қонунлар таъсирини торайтирадиган ва чегаралайдиган йўриқномалар ва бошқа қонуности ҳужжатларининг** чиқарилиши амалиётига қаршидир. Зеро, бу билан қонунлар обрўсизлантирилади.

Биз **солиқларнинг асоссиз оширилишига қаршимиз**. Солиқлар фоизларининг юқори даражада белгиланиши ва солиқларни тўлаш муддатларининг жадаллашиши бюджет тушумларининг кўпайишига эмас, балки, иқтисодиётнинг хуфёна шўъбасининг фаоллашувига олиб келиши мумкин. Юридик шахслардан олинадиган **солиқларнинг энг катта миқдорлари ҳажми** қонун билан белгилаб қўйилиши керак. **Янги солиқларни жорий қилиш ва уларнинг амалдагилари ҳажмини ошириш фақат қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ваколати бўлиши лозим.**

Партиямиз, аҳолининг бевосита ҳаётий таъминоти соҳасига кирадиган хизмат турларини кўрсатувчи, ишлаб чиқарувчи — монополистларнинг ички бозорда ўзбошимчалик қилишларига қатъиян чек қўйишга эришмоқчи. Ушбу вазифанинг ҳал этилишини, аҳолининг кам таъминланган табақалари учун, электр қуввати, совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик, газ, хусусийлаштирилган турар жойлардан фойдаланиш ва бошқа коммунал хизматлари тўловларининг чексиз ошиб кетишига йўл қўймасликда кўрмоқдамиз.

Биз, **давлат умумтаълим мактаблари, шифохона ва поликлиникалар учун ажратилаётган бюджет маблағларининг, пулнинг қадрсизланиши сабабли,** уларни таъмирлаш — фойдаланиш харажатларини тўла қопламаётган пайтда, **билвосита қисқартирилишига йўл қўймаслик керак**, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, уларни фақат бюджетдан тўлиқ молиялаш йўли билан **амалдаги қонунлар билан бепул хизматлар тоифасига киритилган ижтимоий соҳа муассасалари томонидан** аҳолининг маблағларини жалб қилиш каби, кўпинча, **ноқонуний бўлган, аммо ночорликдан юзага келган ҳолатларга чек қўйиш мумкин.**

Партиямиз, ўнлаб йиллар давомида шахсни асоратга солиш ва инсон устидан зўравонлик қилишга хизмат қилган, «жамиятни ўзгартиришнинг илмий-назарий асослари» каби мустабидчилик мафкураси, хаёлий назарияларни қатъиян рад этади. Мустақил Ўзбекистон ҳеч қачон халқимизнинг иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзига ёт, мавҳум ғоялар негизида ижтимоий синовлар ўтказиш учун «тажриба майдони» бўлмаслиги, у ўзининг тарихий ва маданий анъаналари асосида, муштарак башарият цивилизацияси умумий тараққиёти ўзанларида ривожланиши даркор.

Сиёсий ақидалар ва ўткинчи манфаатларга тутқун бўлиб, халқнинг ўтмиши, унинг миллий тарихий ва маънавий анъаналарига нотўғри ёндошишни, уларни бузиб талқин қилинишини кескин қоралаймиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси шовинизм ва миллатчиликни, диний ва ғоявий экстремизм, халқаро терроризмни қатъиян рад этади. Бизнинг партиямиз **динни сиёсийлаштиришга мутлақо қаршидир** ва **турли ажнабий миссионерлар ҳамда маҳаллий сектантлар фаолиятини қонун йўли билан чегаралашга эришиш** зарурлигини таъкидлайди.

Биз аминмизки, **бундан буён, бирон-бир сиёсий партия мамлакатимизда давлат ҳокимияти ваколатларини бевосита ўзига олмайди.** Партиямиз **бирон-бир ижтимоий-сиёсий кучнинг, унинг қандай бўлишидан қатъий назар, ҳақиқат ва адолатга танҳо даъво қилишига, «душман қиёфаси»ни шакллантириш йўли билан сиёсий ихтилофларни ечиш амалиётига мутлақо қаршидир.** Эркин сиёсий рақобат, қарашлар ва ғоялар кураши демократик сайловларнинг тинч майдонида ўтиши, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги турли сиёсий кучларнинг фракциялари ва гуруҳларининг ўзаро соғлом мусобақалашуви шаклида бўлиши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига ўтказиладиган сайловлардаги сайловолди Сиёсий ҳужжатининг асосий йўналишлари шулардан иборат. Биз сайловчиларга баландпарвоз ваъдалар бераётганимиз йўқ, уларни амалга ошмайдиган ишларга даъват этаётганимиз ҳам йўқ. Дастурий мўлжалларимизни тегишли қонун, фармон, қарор ва дастурлар мажмуасини қабул қилиш орқали изчил рўёбга чиқаришни — биз жонажон мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши, ундаги ҳар бир киши, ҳар бир оила фаровонлигини таъминлашни, умумий уйимизнинг тинч ва саодатли ҳаёти асосларини янада мустаҳкамлаш сари ҳақиқий йўл, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу олийжаноб мақсадларга эришиш, **жонажон Ватанимиз тараққиёти ва гуллаб-яшнаши йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилишга тайёр кишиларни** ўзимизнинг мустаҳкам таянчимиз, деб биламиз. **Булар, агар хоҳласангиз, сайловларда ҳам бизнинг асосий суянчиғимиздир.**

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИДАН КЕЛАЖАК САРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мулоқот якунида, дейилади "Чайна Дейли"да чоп этилган мақолада, ХХР Раиси Цзян Цзэмин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сиёсий, иқтисодий соҳага, шунингдек ахборот технологияси ва сайёҳликка доир тўққизта ҳужжатни имзолаш маросимида иштирок этишди.

"Жэньминь жибао" газетасининг 9 ноябр сонида Халқ Вакиллари Умумхитой Йиғилиши Доимий Қўмитасининг Раиси Ли Пэннинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашгани, улар ўртасида дўстона мулоқот бўлиб ўтгани хабар қилинади.

Маълумки, Ли Пэн 1994 йил Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган эди. Хабарда айтилишича, мазкур ташриф чоғида қадимий тарихи, маданияти, меҳмондўстлиги билан ўзбек халқи Ли Пэн жанобларида катта таассурот қолдирган. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар самараси, халқ турмуш даражасининг юксалаётгани эътиборга молик ҳодисадир.

Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи 2000 йилдан ортиқроқ вақтни қамраб олади. ХХР билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида тарихан жавобсиз қолган саволлар ёки келишмовчиликлар йўқ.

Ли Пэннинг баёнотномасида таъкидланишича, Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришда ХХР изчил сиёсат олиб боради. Икки мамлакатнинг парламентлараро муносабатлари янада ривожланиши учун пухта замин яратилмоқда.

Халқ Вакиллари Умумхитой Йиғилиши Доимий Қўмитаси Раисининг ўринбосари Тимур Давоматнинг Ўзбекистонга ташрифи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Акмал Қосимовнинг Пекинда бўлиб ўтган турли мамлакатлар Парламент федерацияси 96-конгрессида иштирок этиши мазкур соҳадаги алоқаларнинг бир кўринишидир, дейилади мақолада. Икки томонлама муносабатлар, халқларимиз ўртасидаги дўстликни ривожлантиришга хизмат этувчи парламентлараро ҳамкорликка бундан кейин ҳам катта эътибор берилади.

Президент Ислом Каримов, дейилади мақолада, Халқ Вакиллари Умумхитой Йиғилиши Доимий Қўмитасининг Раиси, эски қадрдони Ли Пэн жаноблари билан Пекинда учрашганидан мамнун эканлигини изҳор этди. ХХРга сафари бош мақсадларидан бири икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни янги поғонага кўтариш эканлигини таъкидлади. Ислом Каримовнинг фикрича, Хитойда ўтказилаётган ислоҳотлар муваффақияти Хитой умумсиёсатига мос тушадиган тараққиёт йўли топилганидан далолатдир. Хитой тажрибасини ноёб ҳодиса, деб баҳолаш мумкин.

Президент Ислом Каримов меҳнаткаш Хитой халқига барча соҳаларда омад, бахт-саодат тилади.

**М.РАҲМОНОВ (ЎзА).**

# 1999 5 декабр САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН 2000 9 январ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Кўп мамлакатларда одатда суд қарори билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганларнинг сайловларда иштирок этмаслиги белгилаб қўйилган.

**Эркин сайлов ҳуқуқи** сайловчининг сайловларда иштирок этишини ўзи ҳал қилишини назарда тутади. Англосаксон ҳуқуқий тизимига кирувчи давлатларда сайловчиларнинг неча фоизи овоз беришда иштирок этиши унчалик аҳамиятли эмас. Шу билан бирга, бир қатор давлатлар конституцияларида сайловларда иштирок этиш ҳуқуқ эмас, балки бурч эканлиги белгилаб қўйилган. Масалан, Италия Конституциясида «Овоз бериш — шахсий ва тенг, эркин ва яширинчдир. Уни амалга ошириш фуқаролик бурчидир», дейилган. Австралияда эринчоқ сайловчига жарима жазоси, Греция ва Туркияда эса ҳатто озодликдан маҳрум этиш жазоси кўзда тутилган. Аргентинада сайловга келмаганлар нафақат жарима тўлайдилар, балки уч йил давомида давлат идораларида ишлашдан маҳрум этиладилар.

**Тенг сайлов ҳуқуқи** ҳар бир сайловчининг сайлов натижаларига таъсир қилиш имкониятининг тенглигини, яъни тенг овозга эга эканлигини назарда тутади. Бундай овоз одатда битта, баъзан эса иккита белгиланиши мумкин. Тенг сайлов ҳуқуқи принципини таъминлаш учун барча овознинг сайлов натижаларига тенг таъсир этиши муҳимдир. Бунга одатда ягона вакиллик нормаси орқали эришилади, яъни ҳар бир депутатга бир хил миқдордаги сайловчилар тўғри келиши лозим бўлади.

**Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи** сайловчининг сайлов органига ёки сайланадиган лавозимга бевосита сайланиши ёки сайлашини англатади. Ушбу принцип орқали жуда кўп давлатлар парламентларининг қуйи палаталари шакллантирилади, баъзан, масалан АҚШ, Италия, Польшада юқори палаталар ҳам сайланади.




**Поғонали сайлов ҳуқуқи** шуни назарда тутадики, сайловчи аввал сайлов органини сайлайдиган коллегия аъзоларини сайлайди. Коллегия аъзолари эса кейинги босқичда сайлов органини сайлайдилар. Поғонали сайлов икки ва ундан ортиқ босқичли бўлиши мумкин. Масалан, АҚШ Президенти, Ҳиндистон парламентининг юқори палатаси (Штатлар Кенгаши) икки босқичда, Умумхитой халқ вакиллари йиғилиши уч босқичда шакллантирилади.

**Яширин сайлов ҳуқуқи** овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмаслигини билдиради. Францияда бу принципга 1871 йилдан бери, Буюк Британияда 1872 йилдан риоя этилади. Бунга сайловчининг овоз бериш кабинасига кириб, ўз хоҳиш-иродасини хоҳлаган тарзда, четдан кузатувчисиз ифодалаши орқали эришилади.

Таъкидлаш жоизки, шўролар даврида «социалистик» мамлакатларда яширин овоз беришга йўл қўйилмаган. Одатда овоз бериш кабиналари сайлов қутилари томон элтадиган йўлдан анча четга ўрнатилган бўлиб, сайловчида кабина томонга ўтиш имконияти бўлмаган.

Хўш, Ўзбекистонда сайловларни муносиб ташкил этиш учун қандай ҳуқуқий база мавжуд?

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **чинакам демократик сайловлар ўтказиш имкониятлари республикамиз мустақилликка эришгач қўлга киритилди.** Мустақил давлатимизнинг янги Конституцияси қабул қилиниши билан сайлов тизими ва унинг тамойилларига асос солинди.

кўра, ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиб, республикамиз фуқаролари, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан қонунда белгиланган тартибда кўрсатиши мумкин.

Қонунлардан муайян сиёсий партиядан кўрсатилган ҳамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида беш фоизи овозини тўпламаган бўлсалар, депутат этиб рўйхатга олинмайдилар, деган қоиданинг чиқариб ташланиши ҳам сайловларни чинакам кўппартиявийликка асосланган равишда ўтказиш йўлидаги демократик қадамдир.

# ЕТУКЛИК СИНОВИ

Энг аввало, мустақил давлатимизда хорижий мамлакатлар экспертлари томонидан демократия талабларига тўла жавоб беради, деб тан олинган Конституциямиз ва сайлов тўғрисидаги қонунларимиз мавжуд. Уларда сайловларга доир юқорида таъкидланган умумэътироф этилган халқаро меъёрлар, ривожланган давлатларнинг тажрибалари ва миллий анъаналаримиз ўз ифодасини топган. Фахр билан айтишимиз мумкинки, ушбу қонун ҳужжатларида сайловларга оид энг демократик қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциямизнинг 117-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиб, Президент сайлови, Олий Мажлис ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайлови умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Мамлакатимизда умумий фаол сайлов ҳуқуқига 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эгадирлар. Фуқароларимизнинг 21 ёшдан халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига, 25 ёшдан Олий Мажлисга сайланиши белгилаб қўйилган. Тенг сайлов ҳуқуқи шундай кафолатланганки, унга биноан сайловчиларнинг бевосита сайланишлари мустаҳкамлаб қўйилган. Яширин овоз бериш ҳуқуқи сайлов тўғрисидаги барча қонунларимизда белгиланган. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунимизда сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқи устидан назорат этишга йўл қўйилмаслиги, участка сайлов комиссиялари бунинг учун имконият яратишлари белгилаб қўйилган.

Ушбу принциплар Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунларида тўла ифодасини топган.

Сўнгги пайтда сайловлар тўғрисидаги қонунларга киритилган айрим ўзгартиришлар ҳам айнан сайловларнинг янада демократик ўтишини таъминлашга қаратилган. Чунончи, фуқаролик жамияти қуриш йўлида яна бир қадам олға ташланиб, вакиллик органларига бўладиган сайловларда бевосита фуқароларга ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Ушбу қоидага асосан, фуқаролар Олий Мажлисга номзод кўрсатиш учун камида 100 нафар, маҳаллий Кенгашларга эса 50 нафар сайловчилардан иборат ташаббускор гуруҳ тузиши ва ўзлари хоҳлаган номзодни

Шунингдек, номзодларга, сиёсий партияларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилиши, сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорини аввалгидек исталган вақтда эмас, балки сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор қилиш ҳуқуқига эгалиги ва бу шахс тегишли сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкинлиги тўғрисида киритилган ўзгартиришлар сайловларни янада демократик, тенг ва адолатли тарзда ўтказишга қаратилгандир.

Ҳозирги кунда оммавий ахборот воситаларида сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақида берилаётган мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлардан, ён-атрофимизда, маҳалла-кўйдаги суҳбатлардан кўриниб турибдики, халқимизнинг сиёсий фаоллиги, бўлажак сайловларга қизиқиши сезиларли равишда ортиб бормоқда. Бугун фуқароларимиз кимга овоз беришга, эртага ўзларининг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун кимга ишонч мандати топширишга бефарқ эмаслар. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, **бу — халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни давлат сиёсати даражасига кўтариш йўлидаги энг муҳим миллий ютуқларимиздан биридир.** Зеро, муҳтарам Йўлбошчимиз таъкидлаганларидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг самараси бу ислоҳотларда фуқароларнинг бевосита ижрочи сифатида фаол иштирок этишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сайловлар орқали фуқароларимиз ўзларининг Конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган сиёсий ҳуқуқларидан тўла фойдалана бориб, жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказиш учун етарли ҳуқуқий база яратилган. Асосийси, барчамиз бизни олдинда кутаётган муҳим синовдан муносиб равишда чиқишимиз, бунинг учун билимимиз, имкониятимиз ва онгимизни тўла сафарбар этишимиз лозим. Эртанги кунимиз, эртанги Парламентимиз қандай бўлади, жонажон Ўзбекистонимиз танлаб олган йўлдан қанчалик шиддат билан илгарилайди — шу каби саволларга бўлажак сайловлар ўз жавобини беради. Сайловлар нафақат ушбу сиёсий тадбирни ташкил этиш ва ўтказишга дахлдор бўлган давлат органлари учун, балки шу юртнинг фарзандиман деган барча фуқаролар учун, ҳар биримиз учун етуклик синови бўлади. Муҳтарам Президентимиз Олий Мажлиснинг XV сессиясидаги маърузасида таъкидлаганларидек, **«Модомики биз демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш каби эзгу мақсад сари интилаётган эканмиз, демократиянинг бош талаби бўлмиш эркин сайловларни муносиб ташкил қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».**

**Зоҳиджон ВОҲИДОВ,**
**Наманган вилояти ҳокимлигининг бўлим бошлиғи, давлат ва жамият қурилиши магистри.**

> *Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бугун банк тизими локомотив вазифасини бажариши керак.*
>
> **Ислом КАРИМОВ**

# БАНК ТИЗИМИ: КЕЧА, БУГУН, КЕЛАЖАКДА



## Мустақиллик йилларида республикамизда бу соҳада рўй берган ўзгаришлар ҳақида

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги банк тизими олдинги, яъни шўролар давридаги банк тизимидан тубдан фарқ қилади. Маълумки, ўша даврда банк тизимининг ўзагини СССР давлат банки, Ташқи иқтисодий фаолият банки, Қурилиш банки ва Давлат меҳнат жамғарма кассалари ташкил этар эди. Иттифоқдош республикаларда эса ушбу банкларнинг республика, вилоят конторалари ва туман (Ташқи иқтисодий фаолият банкидан ташқари) бўлимлари фаолият кўрсатарди, холос. Бу банкларнинг жойлардаги бўлимлари фақатгина пул кўчирувчи оператор ролини бажарар эди. Бутун банк тизими марказдан бошқарилиб, кредитлаш лимитлари ҳам, нақд пул чиқариш лимитлари ҳам марказнинг рухсати билангина амалга оширилар, ҳамма масалалар юқорида ҳал қилинарди. Лўнда қилиб айтганда, жойларда мустақил ижодий ишлашнинг ўзи йўқ эди ҳисоби. Бозор муносабатлари хусусида умуман гап бўлиши мумкин эмас эди. Республика аҳолисига фақат бир нарса маълум бўлиб, у ҳам бўлса, ўз қўлидаги бўш пулларини Давлат меҳнат жамғарма кассаларида қатъий белгиланган фоизлар олиш шарти билан сақлашлари мумкин эди. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, банк тизимини оммавий ахборот воситаларида ёритишга рухсат йўқ, бинобарин, банк фаолияти тўғрисида бирорта маълумот матбуотда ёритилмасди.

Фақатгина 1987 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, асосан Давлат банки негизида «Агросаноатбанк», «Уйжойижтимоийбанк», «Саноатқурилишбанк» ва бошқа тармоқ банклари ташкил этила бошланди. Бироқ бу ўзгаришлар ҳам кутилган натижалар бермади. Чунки марказлашган бошқарув тизими ҳали давом этар ва у ўз айтганини ўтказар эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши иқтисодий мустақиллик сари қўйилган илк қадам бўлди. Мустақил ёш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири банк тизимини ислоҳ қилиш ва уни тубдан ўзгартиришга қаратилди. Банк тизимини ислоҳ қилиш ҳукуматимизнинг бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш дастурига мувофиқ амалга ошира бошланди.

Банк тизимини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида 1991 йилда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бозор шароитларига мос банклар институтини вужудга келтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Мазкур қонунга мувофиқ, СССР давлат банкининг ҳудудий бўлими Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига айлантирилди ва у бевосита давлат бошчилигида банк тизимини ислоҳ қилишни бошлади. Жуда қисқа муддат ичида икки поғонали банк тизимини вужудга келтириш борасида биринчи қадамлар қўйилди. Марказий банкнинг ташкилий структураси ва иш услублари қайта қурилиб, тижорат банклари акциялаштирилди ва уларнинг сони кўпая борди.

Миллий валютанинг муомалага киритилиши молия секторини вужудга келтиришнинг иккинчи босқичи бошланганидан гувоҳлик бериб, бу даврда банк қонунчилиги анча такомиллаштирилди. Ўзбекистон Республикасининг «Марказий банк тўғрисида» ва янги таҳрирда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қабул қилинган қонунлари юқори даражадаги банк тизимига эришиш, жамғармаларнинг жалб қилиниши ва улардан самарали фойдаланиш, тижорат банкларининг халқаро молия бозорига чиқиши ҳамда миллий валютанинг барқарорлигини, аҳоли, корхоналар ва хорижий сармоядорларнинг банк тизимига юқори даражадаги ишончини, барқарор иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган банк тизимини ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Марказий банкнинг ҳуқуқий мақоми, унинг мақсадлари, монетар ва банк сиёсати йўналишининг асосий тамойиллари аниқлаб берилди.

Шу ўринда Марказий банкнинг тижорат банкларини лицензиялашдаги сиёсатини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Маълумки, банклар сонининг «қўзиқорин»дек кўпайишига йўл қўйган МДҲ мамлакатларидан фарқли ўлароқ, бизда бу йўналишда қаттиқ сиёсат танланган, шу сабабли ҳам Ўзбекистон банк тизими сон жиҳатидан жуда кам банкларни ўз ичига олиши билан ажралиб туради. Натижалар эса ҳаммага маълум. Кўплаб мамлакатларда содир бўлаётган иқтисодий инқирозлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини лицензиялашдаги бу сиёсатини нақадар тўғри эканлигини яна бир бор исботлади. Марказий банкнинг мазкур сиёсати тижорат банкларини икки босқичда лицензиялашни назарда тутади. Муассисларга янги банк ташкил этишга нисбатан қўйиладиган талаблар Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тавсияларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, банк тизими ривожланган мамлакатларнинг банкларни оқилона назорат қилиш андозаларига тўлиқ жавоб беради. Икки босқичли лицензиялаш жараёни банк тизимига фақатгина ишбилармон ва обрў-эътиборга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг киришини таъминлашга қаратилган.

Ривожланган мамлакатларнинг банк тизими эса азалдан хусусий сармоя асосида таркиб топган. Ва ҳозирги пайтда ҳам омонатчилар, кичик ва ўрта бизнес корхоналарига хизмат кўрсатиш асосан унчалик катта бўлмаган хусусий банклар ҳиссасига тўғри келади. Хусусий банклар иқтисодиётга хусусий сармояларни жалб этиш орқали самарадорлиги юқори илғор инвестиция лойиҳаларига йўналтирилаётган маблағларнинг кўпайишига, кичик ва ўрта тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш савиясининг ошишига ва янги турдаги банк инструментларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил апрелдаги «Хусусий тижорат банкларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мазкур жабҳада муҳим аҳамиятга молик бўлди. Фақат 1998 йил ва жорий йилнинг ўтган давр мобайнида Тошкентда «Алп Жамолбанк», «Туркистонбанк», «ХИФбанк» ва «Карвонбанк», Андижонда «Истиқболбанк», Қарши шаҳрида «Ўктамбанк», Қорақалпоғистонда «Адилетбанк» ташкил этилди.

Албатта, таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йиллари мобайнида хорижий сармоялар иштирокидаги банкларни ташкил этишга давлат томонидан алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги пайтда республика ҳудудида «Ўзприватбанк», «ЎзДЭУбанк», «АБН АМРОбанк» ва «Ўзбек-Туркия «ЎТ-банк»и ҳамда Ўрта Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг Тошкентдаги шуъба банки самарали фаолият юритиб келмоқда. Яқинда Эрон «Содерот» банкининг Тошкентдаги шуъба банки рўйхатга олинди.

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда республикамизда 35 та тижорат банки, жумладан, 2 та давлат, 18 та акциядорлик, 10 та хусусий банк, 6 та хорижий сармоя иштирокидаги банк ва 13 та йирик хорижий банкнинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Банк тизими фаолияти иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар яратишга қаратилди. 1994 йил июлида Ўзбекистоннинг миллий валютаси муомалага киритилганидан кейин амалга оширила бошлаган мустақил монетар сиёсат инфляциянинг кескин пасайишини таъминлади. 1994-1998 йиллар мобайнида ўртача ойлик инфляция даражаси деярли 20 баравар қисқариб, 1994 йилдаги 30 фоиздан 1998 йили 1,5 фоизга тушди.

Бу ҳол 1996 йилдан бошлаб, иқтисодий ўсиш қайта тикланишига олиб келди ва аҳоли йиллик даромадларининг 14 фоизга ўсишини таъминлади. 1997 йилдан эътиборан республикамизда ЯИМнинг йиллик ўсиши камида 4,5 фоизни ташкил этди. 1998 йилда атрофимизда бирин-кетин иқтисодий инқирозлар юз берган бир пайтда ҳам, иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари сақлаб қола олинди, тўлов балансининг мусбат сальдосини ва бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 3 фоизидан ошмаслигини таъминлашга муваффақ бўлинди. 1998 йилда ЯИМга нисбатан банк активлари 48,3 фоизни (Россияда 38,7, Арманистонда 16,8, Қирғизистонда 12,9, Қозоғистонда 9,2, Грузияда 7,0 фоиз. Манба: мазкур мамлакатларнинг Марказий (Миллий) банклари статбюллетенлари) ташкил этди.

Тижорат банкларининг активлари 1994 йилдаги 72 миллиард сўмдан ҳозирги кунда 896 миллиард сўмга етди. Иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган кредит қўйилмаларининг жорий йил 1 октябрга қолдиғи 496 миллиард сўмни ташкил этмоқда. Маълумки, банк активларини қоплашнинг асосини банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган депозит базаси ташкил қилади. Ҳозирги кунда жами активларнинг 40 фоизидан кўпроғи тижорат банкларининг ўз маблағлари ва жалб қилинган депозитлари ҳисобига қопланмоқда. Умуман олганда, банк тизимининг 85 фоиздан ортиқ активлари даромад келтирувчи активлар ҳисобланади.

Айниқса, тадбиркорлик тузилмаларининг молиявий ресурслардан фойдаланишига хизмат қилувчи амалий механизмни шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан шу мақсадда бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилди. Мазкур тартиб соддалаштирилди, ортиқча ҳужжатларни тақдим этиш талаби чиқариб ташланди, бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан кредитлар олиш имконияти эндиликда якка тадбиркорларга ҳам берилди. Бундай тартиб кичик тадбиркорларга микрокредитлар бериш ҳақидаги қоидалар билан тўлдирилди.

Хусусан, ҳукумат томонидан кафолатланмаган халқаро молия ташкилотларининг кредит линияларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги ишлар анча фаоллаштирилди. Ўтган давр мобайнида халқаро молия ташкилотларининг кредит линиялари бўйича 396,5 миллион АҚШ долларилик шартномалар имзоланди ва унинг 289 миллион АҚШ долларидаги миқдори ўзлаштирилиб, улар асосан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди. Олинган кредитларнинг 35,6 миллион АҚШ долларидан кўпроғи фоизлари билан қайтарилишига эришилди. Кредит линияларини ўзлаштиришда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Асакабанк» билан биргаликда «Ўзсаноатқурилишбанк», «Тадбиркорбанк», «Ўзприватбанк», «Ипак йўли банк», «ЎзДЭУбанк», «АБН АМРОбанк», «Авиабанк» ва бошқа банклар фаол иштирок этмоқдалар.

Ҳамма мамлакатларда банкдан кредит олиши объектив сабабларга кўра чекланган хўжалик юритувчи субъектлар тоифаси бўлади. Булар, айниқса, қишлоқ жойларда, етарли даражада таъминотга, кредит тарихига эга бўлмаган микрокорхоналар, тадбиркорликни эндигина бошлаётган, банк тили билан айтганда, жуда кичик миқдорларда кредит сўрайдиган шахслардир. Бундай қарз олувчиларнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш, одатда, кредит иттифоқларининг, ўзаро кредитлаш жамиятларининг ва бошқа нобанк кредит ташкилотларининг вазифасига киради. Марказий банк чет элдаги мана шундай ташкилотларнинг амалий иш фаолиятини ўрганиб чиқиб, манфаатдор идоралар билан биргаликда «Кредит кооперативлари тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу қонун лойиҳаси Жаҳон кредит иттифоқлари уюшмаси ва айнан шу мақсадда техник ёрдам ажратишга розилик билдирган Осиё Тараққиёт банки томонидан кўриб чиқилмоқда. Янги қонунчиликни қабул қилиш ва кредит кооперативларини ташкил этиш бирмунча вақт талаб қилишини инобатга олиб, Марказий банк томонидан мини-кредитлашни йўлга қўйишни рағбатлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб, мини-кредитлар бериш тартиби ишлаб чиқилди. Мини-кредитлар бериш имкониятларини ҳар томонлама доимий ўрганиб бориш асосида улар ҳажмини кўпайтириш тижорат банкларига тавсия этилган.

Тақдим этиладиган банк сервиси сифатини ошириб бориш ҳамда мижозлар тўловларининг тезкорлик билан ўтказилишини таъминлаш банк тизимига бўлган ишончни қўллаб-қувватлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилган ишлар қисқа муддатларда мулкчилик шакли ва ҳажмидан қатъий назар барча банкларни замонавий компьютер техникалари ва телекоммуникация ускуналари билан таъминлаш, ҳисоб-китобларни самарали амалга ошириш технологиясини ишлаб чиқиш ва бутун республика ҳудудида халқаро андозалар талабларига жавоб берадиган ҳамда саноқли дақиқаларда тўловларни ўтказадиган электрон тўловлар тизимини жорий қилиш имконини берди. Мазкур тизим тижорат банклари ва уларнинг мижозлари томонидан юксак баҳоланмоқда ва ҳақли равишда Осиё мамлакатлари ичида энг яхшиларидан бири сифатида тан олинмоқда. Унинг самарали фаолият кўрсатиши ва бир бутунлиги Марказий банк томонидан таъминланмоқда. Бунга асосан ҳукуматимизнинг жаҳон тажрибасида қўлланилмаган ностандарт ёндашиш усули, яъни тижорат банкларини бюджетга тўланадиган бир қатор солиқлардан озод қилиш орқали эришилди. Одатда тўловлар тизимини тўлиқ компьютерлаштириш даври кўпгина мамлакатларда бутун бир ўн йилликларни ўз ичига олади.

Банк тизимида қўлланилаётган ҳисоб андозалари тўлиқ халқаро бухгалтерия ҳисоби андозаларига мос келади. 1997 йил март ойида тижорат банкларида янги бухгалтерия ҳисобрақамлари режаси жорий қилинди. Унинг жорий этилиши банклар фаолияти «ошкоралигини», сармоядорлар, банк мижозлари ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар учун очиқлигини кучайтиришга асос бўлди. Янги ҳисоб андозаларини жорий этиш билан бир вақтда тижорат банклари мутахассислари уларни қўллашга мунтазам ўргатиб борилди. Бу борада Американинг USAID ташкилоти қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. «Банк назоратини ривожлантириш» лойиҳасига мувофиқ, улар томонидан янги бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар андозаларини тижорат банклари мутахассисларига ўргатиш бўйича бир қатор семинарлар ўтказилди.

Банк назоратининг таъсирчан тизими иқтисодиётнинг молиявий барқарорлигининг асоси эканлиги эндиликда бутун жаҳонда эътироф этилмоқда. Шу мақсадда Марказий банкнинг банк назорати самарадорлиги мунтазам ошириб борилмоқда.

Яқин ўтган давр мобайнида дунёнинг турли мамлакатлари ва минтақаларида бирин-кетин рўй берган иқтисодий инқирозлар жаҳон иқтисодиётининг бир бутун организмга айланаётганлигини ва унинг бир бўлагида содир бўлган беқарорлик бошқа қисмларига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигини исботлаб берди. Мазкур жараёнлар таҳлили ҳаттоки айрим мамлакатлар ҳукуматларининг ўйламасдан қабул қилган қарорлари натижасида мамлакат иқтисодиётида молиявий ўпирилишлар содир бўлганда ҳам, молиявий инқирозлар келиб чиқишига банк назоратининг самарасизлиги сабаб бўлаётганлигини такрор ва такрор тасдиқламоқда. Ҳар қандай шароитда ҳам ташқи қарзлар, хорижий инвестициялар ва иқтисодни пирамидал молиялаштириш инструментларининг мамлакат иқтисоди билан боғлиқлигини таҳлил қилиб, яқинлашиб келаётган молиявий инқирозларнинг омилларини аниқлаш ва натижада унинг олдини олиш ёки ҳеч бўлмаганда унинг салбий таъсирини камайтириш чораларини кўриш мумкин эди. Бўлиб ўтган молиявий инқирозлар натижасида тўпланган аччиқ тажрибалар ўрнатилган тартиб ва меъёрларни бузишда айбдор банкларга нисбатан фақат жарима ва санкциялар қўллаш назорат органларининг асосий вазифаси бўлиб қолмасдан, балки ҳар хил молиявий ўпирилишлардан бутун банк тизимини сақлаб қолган ҳолда, унинг барқарорлигини таъминлашдан иборат эканлигини банк назорати органларига яна бир бор эслатиб қўйди.

Айнан ана шу нуқтаи-назардан келиб чиқиб, Марказий банкнинг банкларни назорат қилиш фаолияти «олдиндан огоҳлантириш тизими» асосида ташкил этилди.

Банк назоратининг халқаро андозалар ва банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларига мос равишда шаклланишида Марказий банкнинг Жаҳон банки ва Америка халқаро ривожланиш агентлиги билан биргаликда 1997 йилдан бери амалга оширилаётган банк назоратини ривожлантириш лойиҳалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, мана шу даврда юқорида қайд этилган молиявий инқирозлар Марказий банкнинг банклар назорати хизмати йўналишини ва истиқболларини белгилаб олишда мазкур лойиҳалар аҳамиятини янада кучайтирди. Ушбу лойиҳалар доирасида Марказий банкда маҳаллий консультантлар билан биргаликда «Барентс групп» ва «Ай-Би-Ти-Си-Ай» (IBTCI) халқаро консалтинг фирмаларининг юқори малакали консультантлари гуруҳи иш олиб бордилар. Биргаликда амалга оширилган самарали фаолият натижасида банк назорати тизими қайта кўриб чиқилиб, оптималлаштирилди ҳамда дистанцион назорат ва банклар фаолиятини жойида инспекция қилиш усуллари тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Шу билан бир қаторда, банк фаолиятини юритишни тартибга соладиган ва белгилайдиган талаблар чуқур кўриб чиқилиб, банк назоратига оид ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар қайта ишлаб чиқилди.

Америка халқаро ривожланиш агентлиги техник ёрдами доирасида IBTCI консалтинг фирмаси консультантларининг таҳсинга лойиқ саъй-ҳаракатлари туфайли Марказий банкнинг банк назорати хизмати «контрол» қилиш усулидан бевосита назорат услубига ўтди ва шу билан биргаликда тижорат банкларини жойида халқаро миқёсда тан олинган «CAMEL» тизими асосида инспекция қилиш амалиётга татбиқ этилди. Марказий банкка дистанцион назоратни амалга ошириш мақсадида тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботлар шакллари тўлиқ ўзгартирилди. Ҳозирги кунда тижорат банклари фаолияти устидан кунлик мониторинг ўрнатилган бўлиб, банклар фаолиятида бирон-бир муаммо аниқланган тақдирда, уни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан биргаликда, «KPMG», «Прайсуоттерхаус Куперс», «Артур Андерсен», «Эрнест энд Янг» ва бошқа нуфузли халқаро аудиторлик фирмалари томонидан тижорат банклари ҳисоботлари юзасидан йиллик аудиторлик текширувлари ўтказилмоқда. Шунингдек, тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро андозалар даражасида аудит текширувидан ўтказаётган «Холис гуруҳ», «Одил аудит» каби аудиторлик фирмалари ҳам ривожланиб бормоқда. Ташқи аудит текширувининг халқаро миқёсда тан олинган аудиторлик фирмалари томонидан амалга оширилиши ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сармоядорларга банклар ҳисоботлари ҳаққонийлиги ва уларнинг белгиланган андозаларга мослиги тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларига имкон яратмоқда. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳисоботлари Марказий банк талабларига мувофиқ мунтазам равишда матбуотда эълон қилиб борилмоқда.

Амалга оширалаётган чора-тадбирлар туфайли тижорат банклари фаолияти доимий равишда такомиллашиб, уларнинг жозибадорлиги ортиб бормоқда. Ўзбекистон банкларининг нафақат мамлакат ичида, балки унинг ташқарисида ҳам катта ишонч қозонаётганига уларга нуфузли халқаро ташкилотларнинг қизиқишлари ортиб бораётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Чунончи, илгари халқаро рейтинг компаниялари рўйхатига фақат Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки киритилган бўлса, эндиликда ушбу рўйхатга «Асакабанк», «Пахтабанк», «Саноатқурилишбанк», «ЎТ-банк»лар киритилгани (манба: «THE BANKER», «THE BANKER ALMANAC» журналларининг 1999 йил июл сонлари) юқоридаги фикримизнинг яққол далилидир.

USAID техник ёрдами доирасида фаолият кўрсатаётган Марказий банки банк назоратини такомиллаштириш лойиҳаси менежери жаноб Терри Страуд ўзининг «Бозор, пул ва кредит» журналида (1999 й., 7-8 сонлари) эълон қилинган мақоласида банк тизимида ўтказилаётган ислоҳотларга юқори баҳо бераркан, — «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки охирги йилларда молия секторини янгилашда катта натижаларга эришди. Ўзбекистоннинг шу кунгача эришган ютуқлари ана шундай ислоҳотлар амалга оширалаётган МДҲга аъзо бошқа мамлакатлардагидан юқорироқдир», «Ўзбекистондаги ўзгаришлар ва ўсиш жараёнларини изчил мониторинг қилиб бориш инфратузилмаси Таиланд, Индонезия, Россия ва Жанубий Кореяда юз берган молиявий инқирозларга ўхшаган бўҳронлардан сақланиш имконини беради», — деб алоҳида таъкидлади.

Бундай юқори натижаларга эришишда юқори малакали миллий кадрларни тайёрлаш катта роль ўйнаганини таъкидлаш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ».

Мустақилликнинг дастабки кунларидан бошлабоқ Марказий банк банк тизими учун миллий кадрларни тарбиялашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Ана шу мақсадда банк ходимлари таълим олиши учун чет элдаги нуфузли ўқув марказларига юборилмоқда, ЕТТБ билан биргаликда ташкил этилган Минтақавий банк ўқув марказида, Банк-молия академиясида, шунингдек, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, USAID, TACIS каби халқаро ташкилотлар билан биргаликда ўтказилаётган семинарларда ва бошқа ўқув машғулотларида қайта тайёргарликдан ўтмоқдалар ва машқ қилмоқдалар. Шулар билан бир қаторда, республика ҳудудида фаолият кўрсатаётган банк коллежлари, махсус банк синфларида ёшларга банк иши ўргатилмоқда.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, жуда қисқа давр мобайнида миллий банк тизимини вужудга келтиришда катта ишлар амалга оширилди. Бироқ Президентимиз бир неча бор таъкидлаб ўтганларидек, ҳали бизнинг банклар бозор шароитларига жавоб берувчи ҳақиқий тижорат банкларига айланганларича йўқ. Албатта, вақт банк тизимини янада ислоҳ қилишни талаб қилмоқда, бунинг учун эса аниқ шарт-шароитлар вужудга келтирилган. Бу асосий шарт-шароитлар қуйидагилардан иборатдир:

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши билан банк тизими фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий база яратилган;

қабул қилинган қонунларга мувофиқ, халқаро андозаларга ва банк назоратига оид Базель қўмитаси талабларига тўлиқ жавоб берувчи тижорат банклари фаолияти устидан банк назорати ташкил этилган;

молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаларига мос келувчи тижорат банкларининг янги бухгалтерия ҳисобрақамлари режаси жорий қилинган;

мижозлар ҳисобрақамидан тўловларни қисқа вақтда ўтказилишини таъминловчи электрон тўловлар тизими яратилган;

нуфузли халқаро аудиторлик компаниялари томонидан тижорат банкларининг ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш амалиёти жорий қилинган;

ва ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 2 октябрдаги «Акциядорлик тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизимини ислоҳ қилишнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий рағбатлантирувчи омили бўлди.

Мазкур Фармон ва қарор билан банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, тижорат банкларини акциялаштиришни давом эттириш ва банкни бошқаришда акциядорлар ҳамда банк Кенгашининг ролини кучайтириш, хусусий банкларни ривожлантириш, банклар устав капиталини ошириш, шу жумладан, хорижий сармоядорлар ва хусусий сармоялар ҳисобига кўпайтириш банк тизими олдига қўйилган бош вазифа саналади. Шунингдек, банклар фаолиятида тезкорлик ва ишончлилик оширилиши зарурдир. Юқорида қайд этилган қарорга мувофиқ қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича республика комиссияси тузилди. Марказий банк томонидан Республика комиссияси билан биргаликда банкларга кўпроқ эркинлик бериш ва қарорлар қабул қилишда уларнинг масъулиятини ошириш, мижозларнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан максимал фойда олишга эришишга қизиқтириш, бозорга янги банк хизматларини таклиф қилиш каби тадбирларни назарда тутувчи Банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури ишлаб чиқилди. Банклар томонидан иқтисодиёт тармоқларининг турли соҳалари пул маблағларини жалб қилиш ва қайта тақсимлашда ҳақиқий воситачилик ролини бажарилиши келажакда ҳукумат субсидиялари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум бир соҳасига тор ихтисослаштирилган банк хизмати кўрсатишдан йироқлашишни таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси банк-молия тизимини ислоҳ қилиш Дастурини қўллаб-қувватлаш мақсадида, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки (МБРР) Ўзбекистон Республикаси молия институтларини ривожлантириш учун 25 млн. АҚШ доллари миқдорида заём ажратди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Молия соҳасини ривожлантириш бўйича махсус агентлик тузилди.

Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармони ижросини таъминлаш борасида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, тижорат банкларида навбатдан ташқари акциядорлар йиғилишлари ўтказилиб, уларда банк Кенгашлари янги таркиби қайта сайланди. Банк Кенгашлари йиғилишларида банк бошқаруви раислари ва банк ички аудит хизмати раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб бориш амалиёти жорий қилинди. Мазкур Фармон қабул қилингандан буён тижорат банклари устав сармояларига акциядорлар ва тадбиркорларнинг 15 млрд. сўмдан зиёд маблағлари қўшимча жалб қилинди.

Таъкидлаб ўтилганидек, банклар хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришга, уларнинг акцияларини биринчи навбатда хорижий сармоядорларга сотишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мисол учун, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг 40 фоиз акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш мақсадида Давлат тендер қўмитаси қошида махсус ишчи гуруҳи тузилди. Банк фаолияти тўғрисида маълумотнома-бюллетень тайёрланиб, эълон қилинди. Банкнинг молиявий фаолияти «Эрнест энд Янг» халқаро аудиторлик фирмаси томонидан аудит текширувидан ўтказилди. Ҳозирги вақтда Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа халқаро молия институтлари билан хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида музокаралар олиб борилмоқда.

«Асакабанк» акциядорлари умумий йиғилиши банк акцияларининг 26 фоизини ички бозорда, 22 фоизини эса хорижий сармоядорларга сотиш орқали устав сармоясидаги давлат улушини 50 фоизгача тушириш тўғрисида қарор қабул қилган. Банк устав сармоясини реструктуризация қилиш бўйича махсус ишчи гуруҳи тузилган. Банк молиявий фаолияти «KPMG» халқаро аудиторлик фирмаси томонидан аудит қилинган. Ҳозирги кунда банк акцияларини «Ўзавтосаноат», «ЎзДЭУавто», «ЎзДЭУбанк» ва бошқа маҳаллий салоҳиятли сармоядорларга сотиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Салоҳиятли хорижий сармоядорларни жалб қилиш мақсадида Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия институтлари билан музокаралар олиб борилмоқда.

«Пахтабанк»да ҳам банк акцияларини хорижий сармоядорларга сотишни ташкил қилиш бўйича ишлар анча фаоллаштирилди. Биринчи навбатда банк акциялари «Тошкент» фонд биржаси листингига киритилди. Банк акцияларини хорижий фонд биржалари листингига киритиш мақсадида банк раҳбарияти томонидан хорижий фонд биржалари вакиллари билан бир қатор музокаралар олиб бормоқда. Ҳозирги кунда банк акцияларини Истамбул фонд биржаси листингига киритиш бўйича келишувга эришилган.

Шунингдек, «Саноатқурилишбанк» томонидан банк акцияларини хорижий сармоядорларга сотиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда «SITY Bank» ва «Berliner bank» вакиллари билан музокаралар ўтказилган. «TACIS» банки маслаҳат хизмати ҳамкорлигида «Рейтер» системаси орқали салоҳиятли сармоядорларни жалб қилиш ва банк акцияларини хорижий биржаларда жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ушбу банклар билан бир қаторда, бошқа банклар ҳам ўз акцияларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорда сотиш, салоҳиятли хорижий сармоядорларни жалб қилиш борасида фаол иш олиб бормоқдалар.

Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳамда банк акцияларини биринчи навбатда хорижий сармоядорларга сотиш учун банк активларининг сифати катта аҳамиятга эгадир. Шу мақсадда Президентимизнинг юқорида қайд этилган Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида ҳукумат қарорларига асосан тўлов муддати кечиктирилган тижорат банкларининг кредитлари бўйича қарзларни реструктуризация қилиш чоралари кўзда тутилган. Ҳозирги кунга қадар 7 млрд. сўмлик бундай кредитлардан қарийб 3 млрд. сўми қайтарилди, 1,1 млрд. сўмлик кредитлар қайтарилишининг аниқ муддатлари белгилаб олинди ҳамда муддати узайтирилган кредитларни жорий йилнинг охиригача қайтаришнинг барча чоралари кўрилмоқда.

Банк хизматлари бозорида рақобатчилик даражасини ошириш, шунингдек, банкларни универсаллаштириш ва тижоратлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, республика банклари томонидан амалга оширилаётган банк операциялари сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда очиладиган ҳисобварақалар сонини чеклашни босқичма-босқич бекор қилиш назарда тутилган. Бунга мижозлар томонидан очилган барча ҳисобрақамлар ҳақидаги мунтазам янгилаб туриладиган маълумотларни ўз ичига оладиган Банк Депозиторлари Миллий Маълумотлар Базаси жорий этилгани имкон бермоқда. Мазкур маълумотлар базаси ёрдамида банклар салоҳиятли қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги ҳақида фикр юритиш имконига эга бўлсалар, солиқ идоралари эса солиқ тўловчилар томонидан очилган ҳисобварақлар сони ҳақида аниқ ахборотлар олиш имконига эга бўладилар.

Тижорат банкларида бериладиган кредитларнинг ҳажмлари ва турлари, қисқа ва узоқ мудатли кредитларнинг нисбати, қарздорлар бўйича молиявий ахборотларни таҳлил қилиш, кредитларни бериш ва қайтариш тартиблари ҳамда фоиз ставкаси сиёсати, гаров таъминотига бўлган талабларни қамраб олувчи кредит сиёсатини, аудит ўтказиш жараёни ҳамда тўловларнинг вақтида ўтказилишини таъминловчи тадбирларни ҳар йилнинг 1 февралига қадар ишлаб чиқиш ва банк Кенгашида тасдиқлаш амалиёти жорий қилинди.

Албатта, кўпчиликни республикада валютани тартибга солиш билан боғлиқ саволлар қизиқтиради. Хорижий сармоядорлар ва маҳаллий тадбиркорлар кўпроқ миллий валютанинг конвертацияя қилинишига тегишли саволларни тез-тез бериб турадилар.

Бир неча марта қайта-қайта таъкидланганидек, тажриба шуни кўрсатадики, кўпгина мамлакатлар бозор муносабатлари муайян босқичга етгандагина миллий валюта айирбошланишига ўтадилар. Масалан, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Япония иккинчи жаҳон урушидан кейинги икки ўн йиллик давомида ўз валюталарини ички айирбошланишини таъминламай туриб, иқтисодиётни, шу жумладан, ташқи савдони муваффақиятли ривожлантирганлар.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, МДҲга кирувчи бир қатор мамлакатларда ўтиш даврида валюта тизимини ва ташқи савдонинг вақтидан илгари эркинлаштириб юборилганлиги иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, тўлов баланси таркибида ижобий тамойилларни шакллантириш имконини бермади, балки бу катта миқдордаги валюта маблағларининг назоратсиз равишда хорижга чиқиб кетишига шароит яратди. Масалан, Россияда бўлиб ўтган молиявий инқироз барқарор ривожланиш ҳамда бюджет ва давлат харажатларини қоплаш муаммоларини турли молиявий пирамидаларни шакллантириш ҳисобидан, шунингдек, валютани тартибга солишни заифлаштириш, мамлакат ташқарисидан кредитлар олиш йўли билан ҳал қилиб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди. Ҳар қандай давлатни барқарор ривожлантириш учун асосий омил бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги, мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш орқалигина иқтисодиётни соғломлаштиришни амалга ошириш мумкин.

Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, республикада иқтисодиёт структурасини қайта тузиш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий валютани барқарорлаштириш ва ички валюта бозорини ривожлантиришга оид ялпи чора-тадбирлар босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Қабул қилинаётган қарорлар моҳияти республикада зарур шарт-шароитлар ва омилларнинг шаклланишига қараб, барча хўжалик юритувчи субъектлар талабларини қондиришга қодир, тўлақонли ва самарали фаолият юритувчи биржадан ташқари бозорни яратишдан иборатдир. Охир-оқибат асосий мақсад шундан иборатки, Ўзбекистон бозорида ишлаётган ҳар бир шахс валютани бемалол айирбошлаб олиш имкониятига эга бўлсин. Албатта, бу мақсадларга эришишда нафақат Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан ҳамкорликнинг давом эттирилишига умид боғланмоқда, балки республика экспорт салоҳиятини ривожлантирадиган ўзимизнинг маҳаллий товар ишлаб чиқарувчиларга ҳам катта умид билан қаралмоқда. Республикамиз Президенти ўз маърузаларида бир неча марта таъкидлаб ўтганларидек, миллий валюта айирбошланишининг асосий шарти мамлакатга келаётган валюта тушумини кескин оширишдан иборатдир. Унинг асосий манбаи эса экспорт ҳисобланади. Шу сабабли, республикада яқин йилларда мамлакат ташқи савдо оборотини икки марта оширишни кўзда тутувчи экспорт имкониятини кенгайтириш дастури ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу биринчи навбатда, жадал ўсиб бораётган экспорт ҳажмини ошириш ҳисобига амалга оширилишини назарда тутади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ишлаб чиқаришни такомиллаштирмай, маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминламай туриб, экспортни кўпайтиришга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам валютани тартибга солиш сиёсати хорижий сармояларни жалб қилиш орқали корхоналарни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, қўшма корхоналарни тузиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган. Фақат шу йўл билан кучли рақобатчилик шароитида корхоналарни сақлаб қолиш ва маҳсулотларимизнинг жаҳон бозорида ўз ўрнини топишини таъминлаш мумкин. Валюта ресурсларининг, энг аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, чет элдан замонавий техника ва технологияларни сотиб олишга сарфланиши ёнилғи-энергетика мажмуасида, олтин қазиб чиқариш ва автомобил саноатида, қурилиш ашёлари, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда экспорт салоҳиятини сезиларли даражада кўпайтиришга имкон яратди.

Валютани тартибга солиш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатгина хорижий ҳамкорлардан олинган кредитларнинг фоизлари билан ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга ва иқтисодиётимизни Жанубий-Шарқий Осиё, Россия ва МДҲнинг бошқа мамлакатларида юз берган молиявий инқирозлар таъсиридан максимал даражада сақлаб қолиш имкониятини берди. Айнан мана шуни ҳар бир тадбиркор ва равнақ топиб бораётган жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси чуқур англаб етиши лозим.

Хулоса шуки, мустақиллик йиларида банк тизими ўзининг дастлабки қарор топиш босқичини босиб ўтди. Ривожланган мамлакатларда банк тизими эволюцияси бир неча юз йилликларни қамраб олган бўлса, ушбу мамлакатлардан фарқли ўлароқ, биз бу йўлни саноқли йилларда босиб ўтишимизга тўғри келди. Мана шу йиллар мобайнида танлаб олинган ислоҳотлар стратегияси тўғрилиги қайта-қайта тасдиқланди. Қўлга киритилган натижалар бизга эртанги кунга ишонч билан қарашимизга ва уларга таянган ҳолда мамлакатимиз фаровонлиги ва равнақ топишини таъминлаш учун ислоҳотларни изчиллик билан давом эттиришимизга имкон беради.

**Ҳусан ЖУМАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаменти директори.**

**Шуҳрат ВАФОЕВ,**
**Молия секторини ривожлантириш агентлиги директори.**

## ЯНГИ ШЕЪРЛАР

### ЁШ ДЎСТИМГА

*Укамсан, бу сўзим кўнглингга хитоб,*
*Туғанмас армон бу, бу ҳам бир китоб.*

*Ғанимга кор қилмас она чеккан зор,*
*Отасин отмоққа тайёрлари бор.*

*Элини бойликка сотган ҳам шулар*
*Эркини оловга отган ҳам шулар.*

*Сендан хавотирим кўзимда жола,*
*Сўзларим дилимдан тўкилган нола.*

*Истак шул, дўст ила душманни ажрат,*
*Гарчи кўриниши одамий сийрат.*

*Юртни асрамасак дунё қоронғу,*
*У гўё вабодир, мисоли оғу.*

*Ёрқин келажакдан сени сўрайман,*
*Огоҳлик қисматин сенга тилайман.*

*Буюк ташвиш ила учратсам сени,*
*Кўзим гавҳарида асрасам сени.*

### ОНА МЕҲРИ



*Ёмонларга ёндоштирмаган,*
*Яхшилардан адаштирмаган,*
*Она меҳри, онам меҳридир.*

*Кўзларимга нур берган ўша,*
*Юрагимга қўр бўлган ўша,*
*Она меҳри, онам меҳридир.*

*Хатарлардан асраган тумор,*
*Юрагимда ҳеч сўнмас баҳор,*
*Она меҳри, онам меҳридир.*

*Ғамларимга малҳам, дилбандим,*
*Шеърларимга тўкилган дардим,*
*Она меҳри, онам меҳридир.*

*Дийдорига вужудим муштоқ,*
*Йўлларимни ёритган чироқ,*
*Она меҳри, онам меҳридир.*

*Жисми йўқдир ёнимда гарчи,*
*Ёди хатарлардан асровчи,*
*Она меҳри, онам меҳридир.*

### ЯХШИЛИК МАМЛАКАТИ

*Кўзингизга кўзим тушса нурланади,*
*Юраккинам юлдуз қадар юксалади,*
*Жаннатифор шаббодалар эркалади,*
*Кўзларингиз яхшиликнинг мамлакати.*

*Баҳор келиб, гулга кирди шафтолилар,*
*Дил қувониб, дил покланар рафторидан,*
*Сирим очдим сизга кўнгил дафтаридан,*
*Сўзларингиз яхшиликнинг мамлакати.*

*Вафо қилгай мудом ичган тузларига,*
*Кўнгил берсанг Марғилоннинг қизларига,*
*Йиғладим гоҳ юзим босиб изларига,*
*Изларингиз яхшиликнинг мамлакати.*

*Бир сўзим бор булбулларнинг тилларида,*
*Очилгайдир ўрикларнинг гулларида,*
*Мангу қолинг ошиқларнинг дилларида,*
*Юрагингиз — яхшиликнинг мамлакати.*

**Абдураҳмон ЖЎРА.**






*Бугун қўриқ Баҳористон туманида бўлган киши бундан қарийб уч-тўрт йил илгариги туман марказидан тубдан фарқ қилувчи обод шаҳарга дуч келади. Шарқона услубда қад ростлаган кўркам гузарлар, теннис корти, кураш саройи, Хотира майдони, шифо масканлари... Буларнинг барчаси шаҳар ҳуснига ҳусн бўлиб қўшилди.*

**СУРАТЛАРДА:** доя Феруза Мавлонова чақалоқлар ғамхўри; туғруқхона биносининг умумий кўриниши акс эттирилган.

**Баҳтиёр ЮСУПОВ олган суратлар.**

## ТЎЙБОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Қўқондаги 17-меҳрибонлик уйида, ўзига хос тўй бўлди. Бу ерда эрта тонгдан карнай-сурнай, мусиқа садолари янграб, юртга ош тортилди. Шу куни шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан беш нафар болакай — Александр Раҳимов, Охунжон Қўқонов, Олимжон Очилов, Нодирбек Муталов, Шокирбек Содиқовларнинг хатна тўйи ўтказилди. Тўйда шаҳар ҳокимлиги, жамоатчилик вакиллари ва барча савобталаб кишилар меҳмонларни кутиб олиб, сидқидил хизмат қилдилар.

Шукуҳли айём пировардида шаҳар ҳокими Ҳ. Мавлонқулов тўйболаларга уларнинг номларига маблағ қўйилган омонат дафтарчаларини топширди.

*Қўшхабар*

## ОҚ ЙЎЛ СЕНГА, «ЗАМОНДОШ»!

Қўқонда ёшлар, зиёлилар ва тадбиркорларнинг мустақил нашри — «Замондош» маънавий-маърифий ва адабий-бадиий газетаси чоп этила бошланди. Янги газетага Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Қўқон шаҳар бўлими муассислик, Қўқон ўрмон хўжалиги жамоаси ҳомийлик қилмоқда.

—Асосий мақсадимиз — рўзнома саҳифаларида ёшлар, зиёлилар, тадбиркорлар фаолиятини, маънавият, маърифат, эзгу анъаналаримиз, қадриятларимиз масалаларини кенг ёритиш, ижодкорларимизнинг янги асарларини халққа танитиб боришдир, —дейди «Замондош» газетасининг муҳаррири Адҳамжон Мирсаидов.

**А.ИСОМИДДИНОВ.**
**Фарғона вилояти.**

## “БАТКИВШИНА” БЕШ ЁШДА

**Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Тошкентда фаолият кўрсатаётган “Баткившина” Украин миллий маданий марказининг ташкил этилганига беш йил тўлиши муносабати билан кеча бўлиб ўтди.**

**Тадбирда мазкур маданий марказ олиб борган фаолияти давомида эришилган ютуқлар қайд этилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги азалий дўстона алоқаларни ривожлантиришда “Баткившина”нинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бўлаётганлиги алоҳида таъкидланди.**

**(ЎзА)**

## «МУШТУМ» ОЙИНАСИ

***Бирор одамнинг юзига айбини шартта айтганмисиз? Жуда оғир савдо, шундай эмасми? Одамнинг юзи офтобдан иссиқ, деб беҳудага айтишмаган ахир. Лекин баъзи одамларнинг гаплари оғир ботмайди. Шундай инсонлар борки, дилидагини шартта айтади қўяди. Улардан хафа ҳам бўлмайсиз. Бунинг сабаби, ўша одамнинг самимий сўзларида. Сизга куйганидан, сизни суйганидан ва сизнинг фойдангизни кўзлаб гапирганидан шундай бўлса, ажабмас.***

*Журналларни варақлаганда*

«Муштум» журнали ҳам худди ана шундай. Ҳар бир танқидни самимий айтади, меҳр билан айтади.

Муштумнинг 9-10 сонидаги «Ўн уч йиллик можаро», «Заҳарга айланган шакар» мақолалари, «Менга сўз беринг» рукнида берилган «Ислоҳотлар қандай бажариляпти?» саҳифаси ана шундай шарқона услубда берилган. Демак, «Муштум» фақат кулгу ва ҳажвий асарлар минбари эмас, халқимизнинг оғирини енгил қилувчи ҳамдард, баъзи раҳбарларга беозорлик билан ойина тутувчи журнал эканлигини ҳам унутманг.

Журналда Норйигит Қодировнинг «Шафқатсизлик учун қасос» номли мақоласида нафақат Ўзбекистон, балки бутун ер юзига дахлдор экологик мавзу қаламга олинган.

Шунингдек, санъаткорлар ҳаётидан берилган ҳангомалар, шоир Мирпўлат Мирзонинг енгил мутойиба билан суғорилган лирик шеърлари, ҳажвиялар ва суратлар ўқувчини беэътибор қолдирмайди.

Яна бир омонат гап. Журналнинг муқовасида «Муштум» журнали рост гапга ташна дилларни ва барча муштарийларни обунага чорлаган. Аслида ҳам, бу ростгўй, бийрон ва ҳажвий тилли журналимизнинг 2000 йилдаги сонларига обуна бўлганлар ютса ютадики, ютқазмайди.

**Раҳмон АЛИ.**

*Спорт*

## ТЎРТ КАРРА ЧЕМПИОН

Спорт турларини ривожлантириш учун ҳамма жойда ҳам имконият топилади. Фақат гап уни илғай олишда ва фойдалана билишда. Самарқандда хотин-қизлар ўртасида баскетболни ривожлантириш мақсад қилинганда ҳам шундай имкониятлар қўл келди. Қаранг, мактабларда, кўплаб маҳаллаларда баскетбол майдончалари мавжуд. Бунинг устига Самарқанд давлат университети, 2-педагогика билим юртида жисмоний тарбия соҳаси бўйича кадрлар тайёрланса, биринчи олимпия заҳиралари билим юртида бевосита спортнинг кўплаб турлари билан шуғилланилади. Соҳа ривожи учун бундан ортиқ имконият, шароит бўлиши мумкинми?

Дастлаб шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан университет жисмоний тарбия куллиёти негизида хотин-қизлар баскетбол жамоаси тузилди. Оддий машғулотлар аста-секин бошқа вилоятлар жамоалари билан учрашувларга йўл очди. Бугун эса жамоа мамлакатимизнинг тўрт карра чемпиони. Марказий Осиё мамлакатлари жамоалари ўртасида ўтказилган қатор нуфузли мусобақалар иштирокчиси.

Жорий йилда баскетболчи қизлар имкониятлари янада кенгайди. Боиси «Самарқандавтойўл» ҳиссадорлик жамияти жамоага ҳомийлик қилишни ўз бўйнига олди. Шу муносабат билан жамоага «Автойўл» номи берилди.

Ҳозир «Автойўл» таркибида 20 дан ортиқ спортчилар бор. Улар энди молиявий қийинчилик ҳақида ўйлашмайди. Фақат маҳоратларини оширишса, чиройли ўйинлар кўрсатиб, мухлислари эътиборини қозонишса, бас. Амалда бунга эришиляпти ҳам. Шу йилнинг феврал ойида Самарқандда ўтказилган республика биринчилигида улар яна ғолиблик нашидасини суришди.

Баскетболчи қизларимизнинг енгил ҳаракатлари, бирбирларига аниқ тўп оширишлари, майдонда ҳамжиҳат ўйин намойиш этишлари мухлислар томонидан олқишланмоқда. Ҳа, бугун «Автойўл» ўйинларидан бемалол қониқиш ҳосил қилиш мумкин. Жамоа ҳар бир аъзосининг маҳорати ўйиндан ўйинга ошиб бораяпти. Лекин уларнинг ўзлари билан суҳбатлашсангиз, ҳали имкониятлари даражасида ўйин кўрсата олмаганликларини айтишади. Бу эртанги муваффақиятларини кўзлаган спортчигагина хос хислат.

Самарқандлик баскетболчи сулувларнинг мақсади Ўзбекистон байроғи остида жаҳон майдонларида ўз маҳоратларини намойиш этиш, баскетболнинг ҳам бошқа спорт турлари каби дилларни дилларга, элларни элларга боғлашини, тинчлик ва осойишталикка хизмат қилишини амалда кўрсата олиш. Бунинг учун эса ҳамма нарса етарли. Марказий Осиё мамлакатлари жамоалари билан ўтказилган учрашувларнинг ўзиёқ бу фикрни исботлайди. Демак, «Автойўл» ҳадемай нуфузли халқаро мусобақалар сари йўл олади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

— Ватанга садоқат, юртдошларимизнинг она-тупроққа бўлган меҳр-муҳаббатлари, шу туфайли улар бошидан кечирган азоб-уқубатлар фильм ижодкорлари томонидан маҳорат билан очиб берилган, — деди «Ўзбектелефильм» студиясида суратга олинган, тарихий воқеаларга асосланган беш қисмли «Силсила» видеофильмининг тақдимот маросимида сўзга чиққан санъатшунослик фанлари доктори, профессор Жўра Тешабоев. — — Туркиялик миллатдошимиз Собир Сайхоннинг «Адашганлар» асари асосида яратилган бу фильм мустақиллигимизнинг бебаҳо неъмати эканлиги, бу йўлда олиб борилган курашлар бежиз кетмаганлигини яна бир бор таъкидлайди.

Шўролар тузуми даврида миллат озодлиги учун курашган халқ қаҳрамонларининг босмачи номини олиб маҳв этилиши, турғунлик йилларида ўзбек халқининг бошига тушган кулфатлар фильмнинг асосий мавзуси ҳисобланади. Қизил империя томонидан Фарғонада совет ҳокимиятининг куч билан ўрнатилиши, бу йўлдаги шафқатсизликлар, тақдир тақозоси билан Ватанни тарк этишга мажбур бўлган юртдошларимизнинг қисмати, орзу-армонларининг тасвирлардаги ифодаси томошабинларни бефарқ қолдирмайди.

**«Туркистон-пресс».**




## БУ ҲАМ МАҲОРАТ

Швейцариялик Паул Захли аслида футболчи бўлмаса-да, лекин футболчилардан маҳоратли чиқиб қолди. У танаффуссиз 20 километр масофагача тўпни ҳаволатиб тепиб борди. Тўп бирор марта ҳам ерга тушиб кетмади.



## СОВУН КЎПИКЛАРИ ПРОФЕССОРИ

Юқоридаги ғалати унвон эгаси бўлган америқолик Э. Пластерор деярли 50 йилдан бери мамлакат бўйлаб гастролга чиқиб эстрада концертларида ва телевидение орқали ўз ҳунарини намойиш қилиб келади. У 20 та совун пуфагидан минора ясайди. Махсус рецепт асосида эса узоқ вақт ёрилиб кетмайдиган совун пуфагини ҳам пуфлаган. Улардан бири ёрилмасдан 340 кунгача турган.



## ФАҚАТ БЕШ ЮЗТАСИ ЎРГАНИЛГАН

Дунёда ҳаммаси бўлиб 5621 тил ва шева бор экан. Ҳозиргача шундан атиги 500 тасигина ўрганилган бўлиб, 1400 тасининг эса йўқолиб кетиш хавфи бор. Ҳар уч тилдан биттаси ёзув шаклига эга эмас. Фақат оғзаки нутқ формасига эга.








ТОШДУ ФИЗФАК
1979 йил БИТИРУВЧИЛАРИ!

1999 йил 20 ноябр соат 16.00 да
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФИЗИКА ФАКУЛЬТЕТИ
1979 йил битирувчиларининг учрашуви бўлади.

Манзил: Тошкент, «ДИЁРА» кафеси
(Амир Темур кўчаси, «Аквапарк» боғига асосий киришнинг рўпараси, алоқа институтининг 1-қавати).

Барча саволлар бўйича телефонлар:
130-79-70, 68-76-53, Бекназаров.
2265


«ОЛМАЗОР Супермаркети» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси жамоаси корхона бош директори Тўлқин Бекмуҳамедовга падари бузрукворлари

**Турғун БЕКМУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия илмий-текшириш институти жамоаси институт директори муовини Аҳат Юлдашевга волидаи муҳтарамалари

**ҲАЙРИНИСО аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0911, 23276 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — Ф. УСМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти* — 21.00
*топширилди* — 22.20
1 2 3 4 5 6